



Қадр-қимматим, таянчим ва
ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON O'VOZI

• 2013-йил, 26-сентябр. Payshanba • 115 (31.705)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

• www.uzbekistonovozi.uz



Сирдарё вилояти:

Ҳаётдан рози одамлар

яратиш, бунёд этиш

мақсади билан яшайди

— Юртимиздаги тинчлик ҳар бир оила фаровонлигида, одамларнинг кўнгил ободлигида намоён бўлади, — дейди «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» ОАЖ директори Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли Мирзахмат ШАИМОВ. — Эрталаб биз катталар ўз ишимизга, ўғил-қизлар мактабга, набиралар бочага шошилади. Кузатиб турсангиз ҳамманинг, бутун халқимизнинг кўнглидан шундай бир ўй ўтади: аввало, тинчлик бўлсин. Ишга кетаётиб кўзим қувнайди. Болаларнинг бирини қўлида спорт сумкаси. У кураш тўғрисида бораётди. Яна бир кизнинг қўлида скрипка. У мусиқа мактабига кетаяпти. Коллежга, лицейга, олий ўқув юртига бораётганлар, ўз ишига, даласига, станогига ёнига интилоётганларга қарасангиз, уларнинг барчаси ҳаётдан рози. Мана шу одамлар қалбида эртанги кунга ишонч бор. Тинчлик шукронаси бор. Яратиш, бунёд қилиш, обод этиш уларнинг умр мазмунига айланган...

Шу йил июнь ойида Президентимиз Сирдарё вилоятида бўлганида оқолтинлик комбайнчи Азизбек Жўраевдан «Сиздан оилангиз розими?» деб сўради. Бу эса ҳар бир инсон қалбида оилага, турмуш

ўртоғига, фарзандларига нисбатан масъулият ҳиссини уйғотади. Ҳаётдан рози бўлиб яшаш туйғуси инсоннинг онг-шуурини ўзгартиради. Юксалтиради. У тинчликни, мустақил-

(Давоми 2-бетда.)

Шамоллаш
ва грипп

вирусли инфекциялардан сақланиш учун нималарга эътибор қаратиш керак? ➔ 4



Нурли кўнгил,
нурли йўл



➔ 4

«Ёш сиёсатчи — 2013»

Мен Хоразм вилояти, Хонқа енгил-саноат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида физика фанидан дарс бераман. «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида иштирок этиш давомида сиёсий-ҳуқуқий билимларим мустаҳкамланди, жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар тўғрисида янги маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, танловнинг савол-жавоб шартига ўзок тайёрландим. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати, меҳнат ҳуқуқи, ёшлар бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, қабул қилинган қонунлар билан танишиб чиқдим. Ўқиб-ўрганиш ўз натижасини кўрсатар экан. Танловнинг барча босқичларида кўнгилдагидек қатнашдим.

Ўзимга
ишончим ортди

Маълумки, янги иш ўринлари яратиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва шу орқали ёшлар бандлигини таъминлаш бугун долзарб вазифалардан бўлиб турибди. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан жорий йилда республика бўйича 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Уларнинг қарийб 600 мингга қишлоқ жойларида очилиши режалаштирилган. Танловда тақдим этилган лойиҳаларнинг аксариятида бу масала ўз аксини топган.

Мен танловда янги иситиш техникаси қўлланиладиган иссиқхоналар ташкил этиш лойиҳаси билан иштирок этдим. Унинг ўзига хос томони шундаки, ердан табиий иссиқлик чиқариб полиз маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган.

Кўрик-танловнинг биз учун фойдали томонлари кўп бўлди. Бир-биримизнинг орзу-интилишларимиз билан ўртоқлашдик, тажриба алмашдик. Ўзимизга ишончимиз ортди. Танловнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ана шунда, деб ўйлайман.

Сабоҳат РЎЗИМЕТОВА,
«Ёш сиёсатчи — 2013» кўрик-танловининг
«Энг иқтидорли иштирокчи»си.

Қонунчиликни демократлаштиришнинг самарали механизми

Самарқанд шаҳрида «Фуқаролик институтлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси: қонунчиликни демократлаштириш масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда ЎХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси ва Миллий демократия институти (АҚШ) ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг ваколатхоналари кўмағида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат тузилмалари, ЮНЕСКО, ЕХТ, Ф.Эберт ва К.Аденауэр номидаги жамғармалар, Миллий демократия институти (АҚШ) вакиллари, Бельгия, Болгария, Германия, Жанубий Корея, Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳна-молигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадларга эришиш учун Конституция-мизга асосланган демократик ислохотларнинг қонунчилик базаси яратилиб, тобора такомиллаштирилмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлиги жараёнини меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг очик-ошкоралик принциплари-га мувофиқ такомиллаштириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, фуқаролар ҳамда фу-

қаролик жамияти институтларини ушбу жараёнга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буларнинг барчаси аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, фуқароларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик тўғйўзгаришларга дахлдорлик туйғусини ва уларни ҳаётга татбиқ этишга оид масъулиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Қонунчиликни такомиллаштириш, уни демократлаштириш жараёнида мамлакатимизда икки палатали парламент — кўппартияли асосда шакллантирилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ташкил қилинди, унинг палаталари, сиёсий партияларнинг парламент қўйи патлатасидаги фракциялари, жойлардаги депутатлар гуруҳларининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, қонун ҳужжатларининг ижро ҳокимияти органлари томонидан бажарилиши устидан парламент ҳамда

депутатлар назоратини амалга оширишга доир чора-тадбирлар кўрилади.

Давлат ишларини бошқариш, демократик ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар иштирокини кенгайтириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ҳамда ваколатларини янада мустаҳкамлашга доир улкан ишлар бажарилди. Улар бугунги кунда демократик қадриятлар ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги изчил ошмоқда, ҳуқуқий таълим ва билим даражаси тубдан яхшиланимда, аҳолининг онгида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат туйғуси шакллантирилмоқда, қонун устуворлиги, Конституцияда белгилаб қўйилган меъёрларга сўзсиз риоя этиш таъминланмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

Футбол



Хасан ПИРМУХАМЕДОВ олган сурат.

«Бунёдкор»

— Ўзбекистон кубоги соҳиби!

Кеча пойтахтимизда футбол бўйича Ўзбекистон кубоги финал учрашуви ўтказилди. Унда Қаршининг «Насаф» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари куч синошди. Агар мамлакат биллур соврини мусобақалари тарихига назар ташласак, «Бунёдкор» футболчилари беш марта финалга йўлланма олган ва шулардан учтаси (2008, 2010 ва 2012 йилларда) ғалаба қозongan. «Насаф» жамоаси эса уч (2003, 2011 ва 2012 йиллар) бор ҳал қилувчи баҳсларда тўп сурган. Аммо бирор марта ғолиблик нашидасини қуриш ҳасил этмаган.

4

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

«Ўзбекистон овози» келгуси сонларда

Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилишда депутатлик назорати муҳим урин тутатади. Яқинда ЎзХДП Хоразм вилоят кенгашида депутатлик назоратини амалга ошириш, бу борада депутатлик гуруҳлари масъудиятини янада кучайтиришга қаратилган семинар ташкил этилди. Газетамизнинг келгуси сонларидан бирида мазкур семинар тафсилотларига бағишланган мақола тўлон қилинади.

Сирдарё вилояти:

Хаётидан рози одамлар

яратиш, бунёд этиш

мақсади билан яшайди



Кўнгил тўқлиги тўкинчиликдан

2013 йилнинг ўтган даврида вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 109,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 106,8 фоиз, капитал инвестициялар ҳажми 118,1 фоиз, чакана товар айланмаси 116,2 фоиз, жами хизматлар 115,1 фоизни ташкил этиб, белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан ўсишга эришилди.

Айтиш жоизки, ҳудуднинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ Дастур ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2013-2015 йилларда 266,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги 1054 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 22 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. 2013 йилнинг ўзига эса қиймати 155,5 миллион долларлик 1019 та лойиҳа амалиётга жорий этилмоқда.

Дастурда асосий ўстуров йўналиш сифатида енгил саноатни ривожлантириш қайд этилган. Вилоят миқёсида 2012 йилда пахта толасини қайта ишлаш 18 фоизни ташкил этган. Мазкур йўналишдаги лойиҳаларни амалга ошириш натижасида бу кўрсаткич 33 фоизга етди. Қолаверса, икки турдаги енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бу йил сирдарёлик деҳқонлар 207 минг тоннадан ортиқ ғалла-хирмони кўтаришди, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати раҳбари Раббимқул ИБРАГИМОВ. — Хозирда «Сайхун ғишт саноати», «Боёвут бунёдкори», «Олтинтепа ғишт саноати», «Боёвут фаровонлиги» каби корхоналар ўз фаолиятини бошлади. Мавжуд имкониятлардан самарали

фойдаланган ҳолда, яна 4 та ғишт заводида қуриш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Бу биринчи навбатда арзон ва сифатли маҳсулотга бўлган талабни қондиради, иккинчидан, муҳим ижтимоий масала — аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Партия дастурий мақсадларида аҳолини иш билан таъминлаш, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган ёшларни қўл-

Обод манзиллар

Сирдарё вилоятида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қишлоқлар кифёсини бутунлай ўзгартирмоқда. Шаҳар шaroитларидан кам бўлмаган янги массивлар пайдо бўлди, замонавий инфраструктура кириб келди. 2013 йилда вилоятнинг 8 та туманида намунавий лойиҳалар асосида 430 та уй-жой, қўлаб ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, 16,7 километр табиий газ, 29,5 километр ичимлик суви, 15,5 километр электр энергия тармоқлари ва 13,5 километр йўл қурилиши белгиланган.

Партия дастурий мақсадларида аҳолини иш билан таъминлаш, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган ёшларни қўл-

лаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан туман Кенгаши сессиясига касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ҳудудий инвестицион дастурлар ижроси, ҳудудларни обод қилиш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этишга қаратилган қатор масалаларни олиб чиқишга эришилди.

Тинч мамлакатга инвестиция киритилади

Бугун касб-хунар коллежларини тугатган ёшлар компьютер технологияларига асосланган бошқарув пултиларида, замонавий корхоналарда фаолият кўрсатишмоқда. Чет эл инвестициялари ҳисобига иш бошлаётган қўшма корхоналарда асосан ёшлар меҳнат қилапти. Демак, бизда нафақат ёшларни иш билан таъминлаш, балки жаҳон андазоларига жавоб берадиган корхоналар иш бошлаши учун ҳам қўлай инвестицион муҳит яратилган.



Баркамол авлод орзуси

Сирдарё вилояти аҳолисининг 65 фоизини ёшлар ташкил этади. Бугунги кунда вилоятда битта олий ўқув юрти, 4 та академик лицей, 48 та ўрта махсус касб-хунар коллежи, 301 умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Мазкур таълим масканларидан 52 таси 2012-2013 ўқув йилида 8 миллиард 956 миллион сўмлик замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, режада белгиланган 10 та объект ўрнига, 16 та ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 11 та умумтаълим мактаби, 2 та соғлиқни сақлаш ва 3 та касб-хунар коллежлари таъмирланган. Шунингдек, 9 та бола-

талиев, Сардор Раҳмоновлар сирдарёлик эканидан доим фахрланамиз, — дейди Гулистон давлат университети талабаси, «Ёш сиёсатчи» кўриктанловчи совриндори Мадинабону АБДУСАЛОМОВА. — ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлимида 3 мингга яқин ёшлар билан биргача. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакатимизда кечаётган чуқур ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш ва бу жараёнларда фаол иштирокини таъминлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги вилоят ёшлар фестивалида касб-хунар коллежларининг 320 нафар битирувчисига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бу ёшлар яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришда, фермерлик ҳаракатини юксалтиришда муносабат мутасадди этишига ишонаман.

Партияимизнинг муносиб ўрни бор

Бугунги кунда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашида 14 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 138 нафар ЎзХДПдан сайланган депутат фаолият кўрсатмоқда, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Алишер ТОШМАТОВ. — Улар ўтган йилда қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан 370 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборишган. Сирдарё вилояти ижтимоий-сиёсий ҳаётида партияимиз ташкилотлари ўзига хос ўринга эга. Бунинг турли соҳаларда меҳнат қилаётган партияимиз аъзолари фаолияти мисолида ҳам кўрамиз. Айни чоғда вилоятда партияимизнинг 13 мингдан ортиқ аъзоси 320 га яқин бошланғич ташкилотга бирлашган.



Партияимиз гоёсини кенг тарғиб этиш, дастурий мақсадларига эришишда нозоратини ўрнатиш бўйича масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган эди. Хозирда сессия қарори ижросини таъминлаш бўйича депутатлик гуруҳимиз ишчил фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, партия фаоллари вилоят партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига тушган мурожаатларни ўз вақтида ўрганиш ва уларга тегишли ташкилотларга қўйилган ечим топишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналарига 300 га яқин мурожаат бўлган. Уларнинг аксарияти коммунал соҳа ва иш билан таъминлаш масаласи юзасидан. Ҳозирги вақтга қадар мурожаатларнинг 72 фоизи тегишли ташкилотлар ёрдамида ва депутатларимиз ваколати доирасида ижобий ҳал қилинди.

Бугунги ҳаёт, инсонларнинг дунёқараши, оилага муносабати, ёшлар тарбияси ҳақида Ўзбекистон Қасрида Мирзахат ШАЙМОВ шундай дейди: — Ниҳол экасиз. Бог яратасиз. Ҳавас билан иморат



нидан Ҳаракат дастурида белгиланган 3 та масала сессия кун тартибига киритилди. Хусусан, жорий йил 22 январда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига вилоят туман ва шаҳарларида замонавий йўл коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшилаш орқали маҳаллаларни обод қилиш, бу борадаги мутасадди идоралар фаолияти самара-

2013 йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ Демократик партияси депутатлик гуруҳи томонидан Ҳаракат дастурида белгиланган 3 та масала сессия кун тартибига киритилди.

Барқарор иш ўринлари

Инсон қачон ҳаётидан рози бўлади? Аввало, меҳнатидан барака топса, оиласи фаровон бўлса, болаларининг камолини кўрса.

— 2013 йилнинг биринчи ярмида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурига кўра, Сирдарё вилоятида 22 мингга яқин янги иш ўрни яратилди, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Фахриддин СУЮНОВ. — Хусусан, уларнинг 8 мингдан ортиғи кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди. Гулистон шаҳрида лойиҳа қиймати 250 минг АҚШ долларига тенг «Сирдарё ғишт-сут савдо» МЧЖнинг тикувчилик корхонаси ҳамда лойиҳа қиймати 500 минг АҚШ долларига тенг нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бақол дон» МЧЖлари ишга тушиши муносабати билан асосан хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчиларидан 100 нафари муҳим иш ўринларига эга бўлди. Оқолтин туманида «Сардоба текстиль» қўшма корхонаси ишга туширилди. Буларнинг ҳисобидан яна 400 та янги иш ўринлари яратилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Партияимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Ҳаётхон ОРТИБОЕВА. — Шу боис барча партия ташкилотлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш масалаларида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, ўтган йили партияимиз депутатлик гуруҳи томонидан Гулистон ва Ширин шаҳарларида ҳудудий инвестиция дастурларини амалга ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш тўғрисидаги масала ўрганилди. Бу аввал, тегишли тартибда вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳида, сўнгра доимий комиссияда кўрилди, сессия муҳокамасига олиб чиқилди.



